



ТАРЖИМАДА КОГНИТИВ ДИССОНАНС МУАММОСИ

*Ширинова Раима Хакимовна,
ЎзМУ профессори, ф.ф.д.*

Калит сўзлар: когнитив диссонанс, когнитив диссонанс назарияси, бадиий таржима, контекстуал таржима, билим тизимидаги мутаносиблик, шакл ва мазмун мутаносиблиги, адиб, асар ва таржимон муносабати, таржимоннинг фон билимлари.

Таржимашуносликда таржиманинг адекватлик даражасини аниқлаш, таржималарни саралаш, таржимон маҳоратига илмий-назарий баҳо беришга йўналтирилган бир қанча назариялар мавжуд. Назария эса вақт ўтиши билан табиий равишда замонавий назариялар билан янгиланиб, бойитилиб боради. Худди шундай янги йўналишдаги назариялардан бири когнитив диссонанс назариясидир. Бу назариянинг асосий моҳияти адекват таржималарни аниқлаш, адекват таржимага эришишда тўсқинлик қилувчи омилларнинг сабабларини ўрганиш ва уларни имкон қадар таржима жараёнида камайтириш ҳамда бартараф қилиш йўллари излаб топишга йўналтирилгандир. Бу назариянинг асосини ташкил қилувчи когнитив диссонанс муаммоси ва унинг бадиий таржимада тутган ўрнини аниқлаб олишдан аввал мазкур феноменнинг мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиш лозим.

Дастлаб когнитив диссонанс терминининг луғавий маъносини ўрганиш мақсадида бир қанча луғатларга мурожаат қилинди. Когнитив диссонанс латин тилида “cognitio” – “англаш” ва “dissonantia” – “нотувофиклик”, “нотуаносиблик”, “оҳангсизлик” деган маъноларни англатади [1]. В.И.Далнинг луғатида унга қуйидагича изоҳ берилган: “Диссонанс-муж., франц. Нестройность муз. звуков; разладаца, разнозвучие, разногласие, разноглас, разнота, рознь, противозвучие, согласие, соглас” [2]. С.И.Ожеговнинг изоҳли луғатида эса: “Диссонанс, муж. 1. Негормоничное сочетание музыкальных звуков, неслитное звучание тонов; противоп., консонанс. (спец) Д.в. хоре. 2. Перен. То, что вносит

разлад, вступает в противоречие с чем н.; несогласованность, несоответствие, Внести д.в.”[3].

Консонанс истилоҳига қуйидагича таъриф берилади: Консонанс, м. (от латин. consonantia) (муз.). Созвучие, согласное звучание нескольких звуков в аккорде; противоп. диссонанс. Демак, изоҳлардан кўринадики, консонанс диссонанснинг акси бўлиб, товушларнинг жарангдорлиги, оҳангдорлиги, мутаносиблиги демакдир.

А.Н.Чудиновнинг рус тили таркибига кирган хорижий сўзлар луғатида мазкур феноменга қуйидагича таъриф берилган: “Диссонанс - (ново лат. Dissonantia от част dis, и sonore звучать) Негармоническое, неприятное для слуха сочетание звуков” [4]. Энциклопедик луғатда эса: “Диссонанс- франц. Dissonance от лат. Dissono - нестройное звучание. 1. В музыке неслитное, напряженное одновременное звучание различных тонов. Диссонанс противоположен консонансу. К диссонансу относят большие и малые секунды и септимы, увеличенные и уменьшенные” [5].

Юқорида кўриб чиқилган барча луғатларда когнитив диссонанс истилоҳига берилган изоҳларнинг мазмун ва моҳияти деярли бир хил бўлиб, барча изоҳлар умумий ҳолда **диссонанс– консонанснинг акси, номусиқавий оҳанг, гализлик, нотувофиклик, нотуаносиблик деган маъноларни англатади.**

Бироқ, ўзбек тилидаги лингвистик луғатларга мазкур атама киритилган эмас. Д.Куронов “Шеърятда уйғунлашганлик диссонанс, уйғунлик .кофия; унлилар оҳангдошлигига асосланган ассонанс ва ундош товушлар оҳангдошлигига



асосланган диссонанс қофиялар” [6], деган фикрни билдирган холос.

Диссонанс феномени биринчи марта Францияда ва айнан мусика соҳасида пайдо бўлган эди. 1380 йилда *Эвер де Конти (Evert de Conty) Аристотель ишлари билан танишиши ва таржима қилиши жараёнида шу атамага дуч келди*[7]. Мазкур маълумот француз тилидаги манбалар асосида аниқланди ва *илк бор ўзбек таржимашунослигида эътироф этилмоқда*. Мусикада диссонанс “товушлардаги номутоқиблик”, “мусикадаги шовкин, тушунарсиз куй”, “бўғин, товуш ва сўзлардаги номутоқиблик” каби маъноларда тушунилган [8]. Мусика тинглаш жараёнида сўзларнинг ғализ, тушунарсиз эшитилиши, куйланишида эса куйнинг номузыкавийлиги қабилар кузатилган ва бу вазият мусика ихлосмандларида мусикадан қониқмаслик ҳолатини (когнитив диссонанс) келтириб чиқарган.

Кейинчалик француз адабиётшунослигида бу атама когнитив диссонанс тарзида қабул қилинган. Француз шоири Поль Верлен “Назм санъати” (*Art poétique*) асарида Уйғониш даври шоирларига таъриф берар экан, уларнинг шеърляти ҳақиқий қўшиқлар (*chansons*) эканига ва бундан бошқа шеърларда мантиқ бузилганига урғу беради [9]. Бу номутоқиблик ва алогизм мантиқсизлик адабиётда *когнитив диссонанс* ҳодисаси сифатида талқин қилинади.

1944 йилда австриялик психолог Фриц Хайдер ҳам мазкур атамага таъриф берган [10]. Америкалик руҳшунос Леон Фестингер эса 1956 йилда Генри Рикен (*Henry Riecken*) ва Стенли Шахтер (*Stanley Schachter*) билан бирга ёзган “Ушалмаган башорат” (“*L’Echec d’une prophétie*”) китобида бу феноменга ижтимоий психологик концепт сифатида ёндашади. Л.Фестингер мазкур муаммонинг инсон психологиясига таъсири ва унинг содир бўлиш жараёнларини чуқур ўрганиб когнитив диссонанс назариясига асос солди [11]. Олим инсон психологиясидаги турли руҳий, мантиқий, ғайримантиқий ҳолатларини кузатади ва инсон билимлари

тизимидаги номутоқибликни когнитив диссонанс ҳолати, деб изоҳлайди. Масалан, инсон чекишнинг саломатлик учун зарар эканини била туриб, ўзини чекишдан тўхта олмаслигини когнитив диссонанс ҳолатига мисол қилиб келтиради.

Л.Фестингер “номутоқиблик”ни “диссонанс”, “мутоқиблик”ни эса “консонанс” деб атайди. Хуллас, когнитив диссонанс назариясининг асосини билим тизимидаги номутоқиблик, номуқобиллик ташкил этади. Айнан мана шу охириги таърифлар илмий жиҳатдан холис (нейтрал) бўлиб, когнитив диссонанс *билим тизимидаги номутоқиблик* деган таърифга мос келишини аниқлатади.

Когнитив диссонанс феномени кейинчалик жуда кўплаб соҳа олимлари тадқиқотларида ҳам учрай бошлади. Ғарбий Европа ва АҚШда амалга оширилган қатор ишларда иқтисодиёт, маркетинг, тижорат, информатика каби соҳаларда ҳам диссонанс муаммоси жиддий тадқиқ қилинган [12].

Демак, дастлаб бу муаммо мусика, адабиётшунослик ва руҳшунослик соҳаларида ўрганилган бўлса, кейинчалик Россия ва Европа мамлакатларида иқтисодиёт, информатика, маркетинг соҳаларига ҳам кириб келди. Тилшунослик соҳасида бу феноменга бағишланган махсус илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бунга Г.Д.Воскобойникнинг лингво-фалсафий аспектда олиб борилган “Лингвофилософские основания общей когнитивной теории перевода” [13] мавзuidaги тадқиқотини мисол қилиб келтириш мумкин.

Олимнинг фикрича, таржимон аслиятдаги матн билан танишиш жараёнида адибнинг асар матнида берган имплицит ахборотларини ўғиришда, яъни аслият матнига мос келадиган унсурни таржима тилида топиш ёки танлашда қийинчиликларга дуч келиши натижасида ҳосил бўладиган ҳодисадир [14]. Олим Дж.Ле.Каренинг “Панамалик тикувчи” романи таржимасини таҳлил қилиш жараёнида таржимон психологиясида пайдо бўлган бешта диссонанс ҳолатини



кўрсатиб ўтади. Масалан, “*C 2-ном Collier с Eccles (?) я потерпел полное фиаско в том смысле, что нигде не смог найти его*” худди шундай жумлалардан бири бўлиб, уни таржима қилишда таржимон Collier ким ва Eccles шаҳарми, кўчами ёки мамлакатми деган жумбоққа дуч келади. Шунингдек, таржима тилида бундай ахборотларни ташлаб кетиш керакми ёки алмаштириш усулидан фойдаланиш қулайроқми, деган иккиланиш ҳолатларини бошидан кечиради. Г.Д.Воскобойник бу кечинмани, яъни ходисани таржимоннинг диссонанс ҳолати деб қайд этади. Демак, таржимон ҳам аслиятда тўлиқ берилмаган маълумотларни таржима тилида ифодалаш жараёнида диссонанс ҳолатига тушиб қолиши муқаррарлигидан далолат беради.

Я.С.Кимишникова шеърий матнда учраган реалияларни таржима тилида бериш учун таржимоннинг ҳар бир реалияни ўрганиш устида жуда чуқур тайёргарлик кўриши бегона реалияларнинг мазмун-моҳиятини аввало, мустақил ўрганиб, кейин ижодий жараёнга татбиқ этиши лозимлигини таъкидлайди [15]. Чунки поэтик таржимада ноўрин ва чуқур ўрганилмай берилган реалиялар рецепторда когнитив диссонанс ҳолатини пайдо қилади. Биз ҳам бунга йўл қўймаслик учун таржимон қомусий билимга эга бўлиши ва шу билан бирга лирика табиатидан хабардор бўлиши, ўзи ҳам бадиий ижод билан шуғулланиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Агар таржимон ёзувчи ва шоир бўла туриб, шеърий таржима билан шуғулланса, у аслиятни таржимада тўлиқ қайта яратишга эриша олади. Ана шундай иктидор соҳиблари амалга оширган таржималар аслиятмонанд таржималар қаторидан ўрин эгаллайди, акс ҳолда у яратган шеърий таржима нурсиз, мантиқсиз, оҳангсиз ва ўртамиёна асарга айланиб қолиши мумкин. Бундай номуқобил таржималарни ўқиган китобхонда прагматик таъсирчанлик даражаси йўқолиши, шеърдан бадиий-эстетик завқ олиш даражаси эса тушиб кетиши муқаррар.

Канадалик олим René Lemieux ўз тадқиқотида автоматлаштирилган таржима, машина, яъни компьютер орқали амалга оширилган таржималарда диссонанс ҳолатининг пайдо бўлишини очиб берди [16]. Олим бугунги кунда фан-техниканинг ривожланиши таржимашунослик соҳасида ҳам бир қанча янгилик ва қулайликлар яратишга олиб келганини қайд этди. У сонанс, диссонанс, консонанс атамалари ва уларнинг бадиий таржимада тутган ўрни каби масалаларга атрофлича тўхталиб, диссонанс ҳолатининг келиб чиқишининг асосий сабаби миллий-маданий сўзларни таржимада бериш жараёнида кузатилганлигига урғу берди. Олим: “*Je pense que, de cette autre tradition, il est possible de percevoir une volonté, pour le traduire, de dissoner dans le monde, et c'est cette volonté qu'il s'agira ici d'expliciter*” (Мен ўйлайманки, бегона маданиятни таржимада бериш мураккаб жараён бўлиб, таржимон адиб хоҳишини, дунёқарашидаги номутаносибликларни ҳис қилиши ва уларни таржимада бартараф эта олиши лозим). Бунда олим, хусусан, Жак Деррида, Барбарра Кассин ва Кристин Вофрейнинг илмий тадқиқотларига таянади [17].

René Lemieux машина орқали амалга оширилган таржималарда асосий ўринда сўз, таржимон учун эса маъно туришини асослаб берди ва аксарият ҳолларда машина орқали амалга оширилган таржималарда когнитив диссонанс ҳолати келиб чиқишини “Google translate” дастури орқали амалга оширилган таржималар мисолида асослаб берди.

Эзтер Герда Миклос “Les espaces de la dissonance – la choralité et les images de collectivité dans le théâtre de Bernard-Marie Koltès” [18] мавзuidaги докторлик диссертациясида XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган замонавий драматурглардан бири Бернард Мари Колтеснинг бешта пьесасини, яъни “La nuit juste avant les forêts” (1977), “Quai ouest” (1978), “Combat de nègre et de chiens” (1979), “Le retour au désert” (1988), “Roberto Zucco” (1989)ларни илмий асосда



ўрганиб чикди. Шу тарика у асарлар диалогларидаги қаҳрамонлар нутқида диссонанс ҳолатини келтириб чиқарган вазиятларни аниқлаб берди.

Рус олими А.М.Каплуненко ҳам шеърӣ таржимада когнитив диссонансни камайтириш ёки бартараф этиш борасида бир қанча илмӣ фикрларни илгари сурди [19]. Тадқиқотчи Шекспир сонетларини инглиз тилидан рус тилига таржима қилишда руҳӣ-психологик интонацияни ўз ҳолича сақлаш лозимлигини айтади ва адабий матнда қуйидаги унсурларга диққат қаратди:

- 1) шеърнинг структураси, яъни шакл ва мазмунни тўлиқ сақлаш;
- 2) кириш сўзлар, ибораларни иложи борида ўз ҳолича сақлаш;
- 3) тиниш белгиларига эътибор бериш;
- 4) муаллиф ритмини ҳис этиш ва аслият ритм оҳангини сақлаш;
- 5) ортиқча “эркалашга” доир лексикадан воз кечиш.

Олим юқорида берилган амалий тавсияларга риоя этилса таржимада маълум даражада диссонанс ҳолати бартараф этилади ва консонансга эришилади, деб ҳисоблайди.

Т.В.Дроздова инглиз ёзувчиси С.Фицджеральднинг “The Baby Party” новелласида қаҳрамонлар нутқида диссонанс рўй берган мисолларни таҳлил қилиб, мулоқот жараёнидаги имплицит ахборотлар когнитив диссонанс ҳолатининг пайдо бўлишига олиб келишини асардан олинган мисоллар асосида исботлаб беради. Новеллада кичкина Биллинг туғилган куни муносабати билан ўтказилган байрам тантанасида қаҳрамонлар нутқидаги имплицит ахборотлар когнитив диссонансга сабаб бўлганини қуйидагича изоҳлайди: *“Когнитивный диссонанс, по определению, предполагает некое развитие. В новелле это развитие имеет свою реализацию в виде конфронтационного взрыва-драки отцов детей, а основе извлечения фактологической и имплицитной информации из дальнейшего текста,*

становится очевидно, что причиной возникновения конфликтной ситуации-драки отцов – является когнитивный диссонанс, который проявляется в глобальном непонимании, имеющем место между людьми, несопадением их мнений и убеждений, интенции и ожиданий” [20].

Б.Холбекова “Шеърӣ таржима ҳақида мулоҳазалар” номли илмӣ мақоласида Ойбекнинг “Наъматак” сарлавҳали шеърини инглиз таржимони Роттенберг томонидан инглиз тилига таржима қилинган вариантини таҳлил қилар экан, аслиятдаги гўзал мафтуноклик таржимада акс этмаганини кўрсатиб ўтади [21]. Хусусан, олима шеърӣ таржиманинг анча мураккаб жараён эканлигини, бундай таржимани икки тилни мукамал билувчи, сўз туйғуси юксак даражада ривожланган, табиатдан туғма истеъдодга эга ижодкор - шоир-таржимон амалга ошириши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Олима поэтик сўз, поэтик оҳангни ҳис этмаган, уни ўз таржимасида қайта яратишга қурби етмаган таржимон ўқувчи қалбини ром қила олмаслигини айтиб ўтади.

Таржимон асар таржима қилиш жараёнида адекватликка эришиш учун бир қанча тил тўсиқларидан ўтиши ва бунга боғлиқ муаммоларни бартараф этиши лозим. Тадқиқот жараёнида бевосита ва билвосита таржималарни аслият билан қиёслаб ўргандик, ноадекват таржимага сабаб бўлган омилларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Таржимада когнитив диссонансни камайтириш ва бартараф этишдан аввал унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашни асосий вазифа қилиб белгилаб олдик. Бадиий таржимада диссонанс ҳодисасини келтириб чиқарувчи сабабларни 4 гуруҳга ажратдик:

- 1) Билвосита таржималарда когнитив диссонанс;
- 2) Когнитив унсур сабабли содир бўлган когнитив диссонанс;
- 3) Реалиялар таржимасида когнитив диссонанс;
- 4) Фразеологик иборалар таржимасида диссонанс.



Тадкикот учун танлаб олинган асарларни таҳлил қилиш жараёнида бадий таржимада когнитив диссонанс аксарият ҳолларда билвосита амалга оширилган таржималарда кузатилди. Француз адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш XX асрдан бошланганлиги ҳамда истиқлолгача амалга оширилган таржималарнинг аксарияти рус тилидан бажарилганлиги туфайли ушбу тадқиқотда уларнинг русча ва ўзбекча таржималари асарларнинг аслияти билан қиёсий ўрганилди. Таҳлил қилинган асарлар таржимасида мутаржимларнинг аслиятдаги иборалар мазмунини тўлиқ билмаслиги ёки аслиятда берилган ибораларнинг матн маъносини тушунмаслиги натижасида ғализ ва тушунарсиз ўгирмаларни амалга оширади. Бундай таржималар эса **когнитив диссонанс** содир бўлишига олиб келади. Зеро, “Кишининг ўзини фотосуратга тушириш билан расмидан расм олиш ўртасида қанчалик фарқ бўлса, китобни оригиналдан бевосита таржима қилиш билан унинг бошқа тилларга қилинган таржимасидан таржима қилиш ҳам шунчалик фарқ қилади. Бунда тил тўсиғи яна бир қарра ошади, иш, шубҳасиз, мураккаблашади” [39] деган фикр шу ўринда асослидир.

Александр Дюманинг “Икки Диана” романи рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ва билвоосита таржима сабабли ўзбек тилидаги таржимада когнитив диссонанс ҳолати пайдо бўлган. Масалан:

“La prise de Campli nous a ravitaillé quelques peu, et si, dans une heure d’ici, j’entrait dans la tente de chacun de vous, messieurs, je gage que j’y trouverais un bon souper servi, et à la table avec vous, une pauvre veuve ou une jolie orpheline de Campli que vous seriez en train de consoler. Allez donc vous entretenir le goût, je vous manderai pour chercher avec vous les moyens d’entamer ce pain de sucre de Civietta. Jusqu-là, aller, messieurs, bon appétit et bonne nuit” [22].

Бевосита таржима:

“Взятие Кампли несколько пополнило наши запасы, и, если бы

хороший ужин на столе. Идите же лакомиться, господа, я не задерживаю вас. Завтра на рассвете я приглашу вас, и мы сообща обсудим, с какого боку надгрызть этот сладкий пирог, Чиветеллу. А до тех пор вы свободны, господа. Хорошего вам аппетита и спокойной ночи!” [23].

Билвосита таржима:

“Айниқса, Кампли забт этилгач, анчагина бойиб қолдик; агарда, ярим соатдан сўнг ҳар бирингиз турган чодирга мўралагундай бўлсам, ишончим комилки, кечки дастурхонингизда “сен же, мен же” зиёфатини кўриб қувонаман. Бўпти, жаноблар, боринг, ўша ноз-неъматларга тўйинг, ортиқ вақтингизни олмайман, Чивителла деган мойли ва тотли патирнинг қай тарафига оғиз солишини эса тонг чоғи маслаҳатлашиб, ҳамкорликда ҳал этамиз. Унгача бўйсизлар, сизларга ёқимли иштаҳа ва хайрли тун, жаноблар!” [24].

Билвосита ва бевосита таржимани аслият билан қиёслашда шу нарсани аниқландики, рус таржимони француз тилидаги *“pain de sucre”* ни *“головка сахара”*, яъни *“калла қанд”* эканлигини англамаганлиги сабабли уни рус тилида “сладкий пирог” деб ўгирган, ўзбек таржимони эса матннинг мазмунини янада миллийлаштириб *“Чивителла деган мойли ва тотли патирча”* тарзида ифодалаган. Агар аслиятда “калла қанд” нинг контекстуал маъносини таржимон тушуниб етганда эди таржимада когнитив диссонанс пайдо бўлмаган бўлар эди. Чунки асарда XV- XVI асрда Франция, Италия ва Испания ҳудудларида юз берган воқеа-ҳодисалар баён этилади. Аслида эса ушбу матнда герцог де Гиз ўз зобитларига “je vous manderai pour chercher avec vous les moyens d’entamer **ce pain de sucre de Civietta**” жумласини айтганида Италиянинг Венеция вилоятида, Алп тоғининг этагида жойлашган баландлиги 3220 метрли Чивьетта қоясидан хужум бошлашни мўлжаллаган эди. Чивьетта қояси кўриниши жиҳатидан жуда баланд ва чеккалари ўткир, паст-баланд нотекис шаклдаги баландликка ўхшайди. Герцог де



Гиз “*le pain de sucre de Civietta*” деганида Чивьеттанинг қайси томонидан ҳужум қилишни кўчма маънода “қанднинг қайси томонидан кемириш лозимлигини” назарда тутган. Таржиманинг “*коса тагида нимкосаларини*” тушунмаган таржимон умуман терс таржимани амалга оширган.

Тадқиқот жараёнида Эмил Золянинг “Аёл бахти”, Александр Дюманинг “Граф Монте Кристо”, Алберт Камюнинг “Бегона”, Фрасуа Мориакнинг “Илонлар чангалида” каби бир қатор асарлар таржимасида билвосита таржима сабабли ўзбек тилидаги таржималарда когнитив диссонанс пайдо бўлиши кузатилди.

2) Когнитив унсур сабабли содир бўлган когнитив диссонанс, яъни таржима жараёнида таржимоннинг матнга кераксиз ва ноўрин сўз ёки иборани олиб кириши натижасида таржима вариантида когнитив диссонанс ҳолати пайдо бўлганлиги киёсий ва контекстуал методлар орқали исботлаб берилди. Масалан, фикримизни ўзбек адиби Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романининг француз тилидаги таржимасидан олинган мисол билан асослаб берамиз. **Аслиятда:**

“*Шаҳардан ташқарига юриши кам. Фақат эшон бобо билан бирга (фақат ўша киши билан!) тўйларга, катта зиёфатларга, қовун ва мева сайлларига боради*” [25].

Стефан Дюдуаггон таржимаси:

“*La ville, il l’a quittait peu, seulement en compagnie du Père Ichan, pour un banquet, quelque riche fête ou bien les grands récoltes de melons de la fin du printemps*” [26].

Аслиятдаги “қовун ва мева сайллари” негадир французча таржимада “*les grands récoltes de melons de la fin du printemps*”, яъни “*баҳор ойининг охиридаги энг катта қовун йиғими*” га (таржима муаллифники-Ш.Р.) айланган. Бу жумла таржимаси мутаржимни ўзбек халқининг қовун сайлидан хабардор эмаслигини билдиради. Маълумки, Ўзбекистонда мева ва сабзавотларни йиғиш мавсуми, яъни ғарқ пишиқчилик даври, ёзнинг жазирамасига тўғри келади. Таржимон бу

ерда мазкур жумлани “*баҳор фаслининг охирида бўладиган қовун сайли*” деб ўгириб, аслиятдан анча йироқлашган ва бу эса китобхонга маданий ахборотни нотўғри етказишга олиб келган. Ўзбекистонда май ойи қовун-тарвузларни йиғиш мавсуми ҳисобланмайди. Демак, нотўғри берилган ахборот таржима китобхонида асарни ҳазм қилишни қийинлаштиради ва рецептор тасаввурида матндан қоникмаслик, яъни когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқаради.

Бу ерда мутаржим матнга аслиятда йўқ сўзларни қўшиши таржиманинг аслиятдан йироқлашишига олиб келган.

Таржима вариантларини таҳлил қилиш жараёнида бевосита таржимада аслиятдаги мазмун маълум қадар йўқотишларга, қисқартиришларга олиб келганлиги ва, айниқса, яхши бир асар ўртамиёна таржимага айланиб қолиши кузатилди. Таржима жараёнида диссонанс бартараф этилмас экан, адекват таржимага эришиш масаласи очиклигича қолади. Зеро, “Таржима-аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъатидир” деб таъкидланган фикрни таржима жараёнида доимо эслаб туриш ва унга амал қилиш даркор [27].

3) **Реалиялар таржимасида когнитив диссонанс.** Аслиятда берилган реалиялар таржима тилида мавжуд реалиялар билан алмаштирилганида ҳам асарни ўқиган китобхон когнитив диссонанс ҳолатига тушади. Масалан, француз эртакчиси Шарл Перронинг “Она ғоз эртаклари” дан олинган мисол фикимиз исботидир. **Аслиятда:**

“On a fait *un beau baptême*: on a donné pour marraine à la petite princesse sept fées qu’on a trouvée dans le pays, afin que chaque fée donnât un don à l’enfant” [28].

Ш.Миноваров таржимаси:

“Қирол каттакон бешик тўйи қилибди, бешик тўйига мамлакатдаги барча сеҳргар париларни таклиф қилибдилар” [29].

М.Холбеков таржимаси:

“Подшо севинганидан эл-юртни йиғиб тўй қилиб берибди. Қизалоққа исм қуйиш маросимида иштирок қилсин деб,



етти иқлимдан етти сеҳргарни таклиф этибди”[30].

Юқоридаги биринчи вариантда таржимон аслиятдаги “*un beau baptême*”ни “бешик тўйи” (Ш.Миноваров) деб бериб миллийлаштиришга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи вариантда эса “тўй” (М.Холбеков) деб бериб нейтралликка эришилган ва тўғри йўл тutilган. Оригиналдаги “*un beau baptême*” француз тили изоҳли луғатида қуйидагича берилган: “*Baptême n.f. gr.baptizien, immerger. Sacrement de la religion chretien, qui constitue le signe juridique et sacral de l’insertion dans l’Eglise; cette cérémonie Nom de baptême: Prénom qu’on reçoit au moment du baptême*” [31], яъни “Батем грек тилида baptizien шаклидан кириб насроний динида чўқинтириши маросими, черковда чақалоқни чўқинтиришининг ҳуқуқий ва илоҳий белгиси: чақалоққа ном бериши маросими”(Ш.Р). Луғатдаги шарҳ мазкур сўз христианларда чақалоққа ном бериш ва чўқинтириш маросими эканини кўрсатиб турибди.

Маълумки, бешик чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама. Шарқда бешик тўйи фарзандни бешикка солиш учун мўлжалланган маросим бўлиб, у миллий урф-одатлар, расм-русумларга бой тантана ҳисобланади. Француз чақалоқларининг черковда чўқинтирилиши, уларга шу ерда исм қуйилиши ва беланчакларда катта бўлишини ҳар бир китобхон билади. Тиллар орасидаги тафовут одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатларнинг бошқа халқ турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли улар номларининг ҳам бошқа халқ тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланади. Халқлар турмуш тарзига хос сўз ва иборалар, шубҳасиз, анъаналарнинг миллий бўёғини, уларнинг ўзига хослигини ифодалайди. Юқоридаги таржимада француз чақалоғининг “бешик тўйи” маросими ўзбек китобхоннинг таржимадан қоникмаслигига сабаб бўлади. Шундай экан, ушбу матнда берилган

миллий маросим “бешик тўйи” нинг ишлатилиши китобхонда диссонанс ҳолатини келтириб чиқаради.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиндикки, аслият тили ва таржима тили реалитарини бир-бири билан алмаштириш, уларни қориштириб юбориш натижасида бадиий асар таржимасида диссонанс ҳолати келиб чиқиши муқаррар.

4. Фразеологик иборалар таржимасида диссонанс. Аслиятдаги фразеологик иборанинг мазмунини тушунмай таржима қилиш натижасида ҳам диссонанс содир бўлиши мумкин. В.Н.Комиссаровнинг: “Таржимашуносликда фразеологик бирликларни билиш ва таржимада айнан бера билиш жуда мушкул ҳисобланиб, таржимон фразеологизмларнинг маънолари ва уларни қўллаш усулларини тўлиқ билишини талаб этади” [32] деган фикри жуда ўринлидир. Таржимада фразеологик ибораларни қайта яратиш жуда муҳим саналиб, таржимон таржима жараёнида аслиятдаги фразеологик бирликнинг мазмунини тушунмаса, унинг замирида қандай маъно мужассамлашганини англамаса ёки таржима тилида топа олмаса унда аслиятдаги маъно ва мазмун мутаносиблигининг бузилишига сабаб бўлади. Француз ёзувчиси Эмил Золянинг “Аёл бахти” асарининг билвосита таржимасидан келтирилган мисолга эътибор қаратамиз, **аслиятда:**

«*Cinq ou six femmes vêtues de robes de soie, très coquettes avec leurs chignons frisés et leurs crinolines rejetées en arrière, s’y agitaient en causant. Une, grande et mince, la tête trop longue, ayant une allure de cheval échappé, s’était adossée à une armoire, comme brisée déjà de fatigue*»[33].

Восита таржима:

“Пять-шесть женщин, одетых в шелковые платья и имевших весьма кокетливый вид благодаря завитым шиньонам и приподнятым сзади кринолинам, суеились здесь, перебрасываясь отрывистыми фразами. Одна из них, высокая и худая, с



непомерно длинным лицом и поступью вырвавшейся на волю лошади, прислонилась к шкафу, словно изнемогая от усталости” [34].

Муҳаббат Исмоилова таржимаси:

“Бу ерда матодан тикилган кўйлак кийган, жингалак қилинган улама соч ва узун юбкалари таъсирида башанг кийингандек кўринаётган беш-олтита аёл ўзаро гаплашганча алланималар қилишарди. Улардан бири, баланд бўйли, озгин, отюзли аёл худди қаттиқ чарчагандан нима қилишни билмаётгандек, шкафга суяниб турарди”[35].

Таржимон рус тилидаги “с непомерно длинным лицом и поступью вырвавшейся на волю лошади” жумласини “баланд бўйли, озгин, отюзли аёл худди қаттиқ чарчагандай” тарзида ўтирган. Аслиятдаги “*la tête trop longue*” (узунчоқ бош) рус тилидаги “длинным лицом” (узунчоқ юз) ўзбек тилида “от юзли аёлга” айланиб қолган. Француз тилида “*une allure de cheval échappé*” ибораси жуда чарчаганда судралиб, сулайиб қолган вазиятни ифодалаш учун ишлатилади. Фикримизни исботлаш учун Филип Маск (Philippe Masquer) ва Пиер Жобертларнинг (Pierre Jaubert) “*Dictionnaire raisonné universel des arts et métier*” изоҳли луғатига мурожаат қилдик. Бу луғатда айнан Эмил Золянинг мазкур романида ишлатилган “*une allure de cheval échappé*” иборасининг мазмуни шарҳланган, яъни:

“*C’est une allure de cheval, plus base que le pas, mais beaucoup plus allongée. Pour aller l’amble le cheval n’a que deux mouvements à faire, un de chaque coté s’élèvent et se posent en même coté s’élèvent et se posent en même temps*” [36].

Демак, француз тилида одам югуриб ҳаллослаб, чарчаб, ҳолсизланиб, сулайиб қолганда секин, судралиб қадам ташлаш ҳолатини ифодалаш учун “*une allure de cheval échappé*” ибораси ишлатилади. Шундай экан, нега чарчаганда юришга ҳам мадори йўқ аёлнинг ҳолати таржимон хизмати эвазига “от юзли аёлга” айланиб қолган?

Фикримизга аниқлик киритиш мақсадида ўзбек тилидаги бадий асарларда ушбу ҳолатни ифодалаш учун қандай ибора ишлатилишини аниқлашга ҳаракат қилдик ва Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” асарида “**паккага етган улоқчи отдек чарчаган эди**” деган иборани топишга муяссар бўлдик.

Биз юқоридаги вариантга таклиф сифатида қуйидаги таржимани маъқул кўрамиз:

“Бу ерда матодан тикилган кўйлак кийган, жингалак қилинган улама соч ва узун юбкалари таъсирида башанг кийингандек кўринаётган беш-олтита аёл ўзаро гаплашганича алланималар қилишарди. Улардан бири, баланд бўйли, озгин, иякдор аёл худди паккага етган улоқчи отдек чарчаганидан сулайиб шкафга суяниб турарди” (таржима муаллифники-Ш.Р).

Шу маънода Л.С.Бархударовнинг: “Таржима матни ҳеч қачон тўла ва аслият матнга абсолют эквивалент бўла олмайди. Шунинг учун бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилаётганда семантик йўқотишларни минимал ҳолатга келтириш учун маъно турларининг қайсинисидир қурбон этилиши керак”, - деган фикри айни ҳақиқатдир [37]. Аммо шу билан бирга таржимонлар аксарият ҳолларда жуда катта маҳорат билан аслиятга маъно ва мазмун жиҳатдан мос таржима яратишга ҳаракат қилиб, семантик йўқотишларни минимал ҳолатга келтирганлари улар амалга оширган таржималарда кузатилди.

Ушбу ўринда В.Гумбольдтнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиз: “Дастлаб халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, маданиятига хос хусусиятларни, тил бирликларининг таркибий қисмларини ўрганиш лозим, шундан кейингина ҳис-туйғуларига таяниб образ яратиш, сўнг жоиз бўлса уни сўзлар билан ифода этиш мумкин. Тил ўзининг бошланғич шаклиданоқ маълум халққа хос бўлган белги ва характерлар таъсирига тушади” [38].

Ҳақиқатдан ҳам, муаллиф фикрини тушуниш, асар оҳангини ҳис қилиш ва



аслиятга бошқа тилда қайта жон ато этиш мутаржимдан катта ижодий ва илмий салоҳият талаб этади. Бундай масъулиятни бўйнига олган таржимон ўз вазифасини шундай маромига етказиб бажариши керакки, токи асар таржимасини ўқиган китобхонда муаллиф ва асар тўғрисида нотўғри тассаввур пайдо бўлмасин.

Демак, таржимада мақоллар, фразеологик ибораларнинг нотўғри берилиши, реалияларнинг қориштириб юборилиши, билвосита таржима нуксонлари кабиларнинг келиб чиқиши когнитив диссонанснинг пайдо бўлишига олиб келади.

Тадқиқот доирасида таржима адекватлигига тўсқинлик қилувчи омилларнинг сабабини аниқлаш баробарида бадий таржимада когнитив диссонансни бартараф этиш учун қуйидаги таржима усуллар таклиф қилинди:

1) *Таржимоннинг асар ва муаллифни тўғри танлаш маҳорати.*

2) *ИмPLICIT ахборотни EXPLICIT ахборотга айлантириши.*

3) *Таржимада ибораларни ўринли танлаш.*

4) *Миллий-маданий сўзларнинг икки тилли таржима лугатларини яратиши.*

Таржимоннинг асар ва муаллифни тўғри танлаш маҳорати

Ўзбек таржимашунослигида таржимани аслият билан қиёсий ўрганиш ва унга холис илмий-назарий баҳо бериш тажрибаси кенг ёйилган. Аслида таржиманинг муваффақиятини таъминловчи бир қатор омиллар мавжудки, улар кўпинча ушбу йўналишдаги тадқиқот доирасидан четда қолади. Чунончи, таржимоннинг тил билиши, сўз бойлиги ижодкорлик истеъдодидан ташқари, унинг матн танлаши, унга муносабати ва аслиятни қандай талқин қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда, албатта, таржимон савияси ва у мансуб адабиётнинг тараққиёт даражаси ҳам катта роль ўйнайди. Лекин муаллиф ҳамда мутаржим ўртасидаги руҳий-психологик яқинлик ва услубий муштараклик, улар дунёқарашининг умумийлиги-ю,

дардларининг ўзаро уйғунлиги энг асосий омил ҳисобланади. Таржимонга илҳом берган, уни тўлқинлантирган, кўнгил дардларининг ўзаро ҳамоҳанглиги бадий асарни ўзгача эҳтирос ва меҳр-муҳаббат билан таржима қилишга кенг йўл очади.

Таржимада асар ва муаллиф танлаб олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки “ҳақиқий таржимон ҳам муаллиф танлайди, китоб саралайди, давр, жанр, мавзу, услуб талабларига кўра стратегик таржима сиёсатини белгилайди” [39]. Таъбир жоиз бўлса, таржиманинг муваффақияти айтиш мумкин бўлган бўғлиқ. Мутаржим муаллифнинг рақиби дейилиши бежиз эмас. Ўзига номуносиб асар таржимасига қўл урган, ўзига яқин дунёқарашга эга бўлмаган муаллиф билан беллашган мутаржим муваффақиятсизликка учрайди. Таржимоннинг тил билиши, катта сўз бойлиги ва табиийки, улкан истеъдод эгаси бўлиш, кенг ва чуқур билимдан ташқари, яна муаллифга руҳан ва услубан яқин бўлиши тақозо қилинадики, ушбу фазилатларсиз аслиятга адекват таржима яратиш мумкин эмас. “Бадий таржимада руҳий яқинлик муваффақият гарови эканлиги аён” [40]. Таржима адекватлигида муаллиф ва таржимон муносабати муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир таржимон ҳам юксак поэтик сўз усталари “панжасига панжа уриш”ни хоҳлайди. Лекин бунда асар танлашни ҳам билиш керак. Акс ҳолда, ўзи муваффақиятсизликка учрабгина қолмай, улуғ бир сўз санъаткорини ҳам ўртача ижодкорга айлантириб қўйиши мумкин. Бадий таржима тарихида бундай ҳодисалар кўп учрайди. Шунинг учун ҳам йирик таржима назариётчиси Ғ.Саломов ўз вақтида: “Энг хатарли нуқсон, иллат бу - бирон бир миллий адабиётнинг фахри, кўрки бўлмиш ажиб бир асар таржимасига кўчганда қандайдир ўртача китобга айланиб қолаётганидир” деб айтган эди. Бу ҳақида Эркин Воҳидов: “оригиналда ўртачароқ асар ёзиб юргандан жаҳон ва қардош халқлар маданиятининг нодир намуналарини она тилимда янграйтиш завқи менга таскин беради”, деган эди



[39].

Таржимон таржимага киришишдан аввал ўзи таржима қилмоқчи бўлган асар ёзувчисининг ижод йўналиши, адабий мероси билан яқиндан танишиши, унинг адабий услуби, руҳияти, мақсади ва барча ички ҳамда ташқи кечинмаларини ҳис қила олиши лозим. Мободо, ёзувчи билан таржимоннинг услуби, адабий-эстетик диди ва ўй-хаёллари бир-бирига мос келмаса, унда таржимон бу ишга қўл урмагани маъқул. Чунки таржимон таржима жараёнида адибнинг ғоявий-бадий мақсадини ёки индивидуал услубини тушунмаслиги оқибатида ҳам у таржима қилган асарда когнитив унсурлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.

2) **Таржимада имплицит ахборотни эксплицит ахборотга айлантириш.** Таржимон ўқувчининг дунёкарашини инобатга олиб, адабий матнлар таржимасида аслиятда берилган баъзи имплицит (яширин) ахборотларни таржимада эксплицит (очиқ) ахборотга айлантириши керак. Мободо, таржимон китобхонга аслиятдаги бегона воқеа-ҳодисага қўшимча изоҳ бермай ўтса, китобхон таржима қилинган асар матнини тушунмаслиги ва бунинг натижасида ўқувчи тасаввурида диссонанс ҳолати пайдо бўлиши мумкин.

Эркин Аъзамнинг “Пақананинг ошиқ кўнгли” асаридаги ўзбек халқининг таниқли инсонлари тўғрисидаги маданий ахборотларни таржимон таржима тилида қандай йўл билан ўқувчига етказиб берганини таҳлил қилдик. Ушбу мисолда таржимон эксплицит ахборот бериш орқали таржимада диссонанс келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатни олдиндан бартараф этишга эришган. Масалан, **аслиятда:**

“Маишати чаккимас, театр безакхонасини уйга айлантириб олган, ора-чира колхоз-полхознинг буюртмасини бажариб бериб мўмайгина пул топар, уни аксарияти истеъдодсиз, омадсиз, лекин аслида Шукур Бурхонман-у, булар қадримга етмаётибди-да, дегандек зўр даъвода юрадиган шўрпеишона улфатлари билан ичиб битирар эди” [40].

Таржимада:

“Il aimait la vie et avait transformé l’atelier de décoration de théâtre en logie personnel. De temps à autre”, un kolkhoze ou ne entreprise lui commandait une peinture. Tout qu’il gagnait était gaspillé pour acheter de l’alcool qu’il partageait avec des amis dont plupart étaient malchanceux et sans talent et que et sans talent et qui se prenaient tous pour le célèbre Chookour Bourkhan (grande vedette soviétique du théâtre et du cinéma”)[41].

Мазкур матн таржимасида ўзбек халқининг севимли ва машҳур актёри Шукур Бурхонов тўғрисидаги маълумотни таржима китобхонига етказиш учун таржимон матн ичида *“grande vedette soviétique du théâtre et du cinéma”*, яъни *“кино ва театр соҳасидаги машҳур совет юлдузи”* деган изоҳни қўшади. Таржимон матн ичида қўшимча маълумотни бериш орқали китобхон тасаввурида юзага келадиган диссонанс ҳолатини бартараф этади. Мободо, таржимон мазкур матн таржимасида Шукур Бурхоновга махсус изоҳли ахборот бермаса, француз китобхони ўзбекларнинг севимли актёрининг кимлигини билмаган ва унинг исми нима мақсадда матнда келтирилганини англамаган бўлар эди. Зеро, *“La traduction est souvent perçue non seulement comme un moyen d’information et de communication dans un contexte plurilingue mais également comme un moyen d’enrichissement et de conservation de la diversité culturelle”[42].* Дарҳақиқат, таржима фақатгина бирор маълумот олиш ёки муносабатга киришиш манбаи эмас, балки ранг-баранг маданий ахборотлар олиш базаси ҳам саналади.

Фердинанд Дюшеннинг “Тамилла” романининг ўзбекча таржимасида ҳам таржимон томонидан имплицит ахборотлар эксплицит ахборотларга айлантирилганлигининг шоҳиди бўлдик. Масалан, **аслиятда:**

“Les sentier s’infléchit vers l’oued et bientôt serpente parmi les tamarins et les lentisques” [43].

Сўзма-сўз таржимаси:



Йўл Вед (Африка шимолидаги дарё) томонга қараб **тамаринда ва мастиклар** орасидан илон изидек бурилиб кетди.

Зариф Башарий таржимаси:

Текис тор йўл тугаб, бу ёзига йўл **тамаринда ва мастик дарахтлар** (Африкадаги дарахтлар) орасидан эгри-бугриланиб кетган [44].

Ушбу матн таржимасида таржимон Африкада ўсадиган “тамаринда” ва “мастик” дарахтига изоҳ бериб ўтганлиги ўқувчининг бу дарахт номи ва у қайси мамлакатда ўсиши тўғрисидаги маълумотдан хабардор бўлишига олиб келган.

Демак, таҳлиллардан шу нарсани аниқландики, таржимоннинг таржима жараёнида аслиятда берилган маълумотдан китобхоннинг хабардор эмаслигини ҳисобга олиб изоҳ, шарҳ ва қўшимча ахборотлар бериб ўтиши китобхондаги диссонанс ҳолатини камайтириш ва бартараф этишга ёрдам беради.

3) **Таржимада фразеологик ибораларни ўринли танлаш.** Таржима жараёнидаги энг мураккаб муаммолардан бири бу аслиятда берилган фразеологик бирликларни таржима тилидаги муқобилини топиш масаласидир. Фразеологик бирликлар ҳар қандай бадиий асар тилига гўзаллик бахш этадиган, кам сўзлар воситасида кўпроқ фикр баён қилишга имкон берадиган поэтик восита саналади. Ўзбек адиблари ўз адабий меросида тилнинг турли тасвирий воситалардан, фразеологик бирликлардан жуда ўринли ва унумли фойдаланадилар. Таржима жараёнида таржимон бундай ибораларга энг муносиб муқобил топиш, қайта яратиш учун жиддий бош қотириши, мавжуд “гов”ларни енгиб ўтиши лозим.

Куйида Эмил Золянинг “Аёл бахти” романи таржимасидаги мисолга эътибор қаратамиз. **Аслиятда:**

“– *Un drôle de goût, n'est-ce pas? reprit-il. Une femme qui ressemble à un cheval... La petite lingère qu'il avait eue deux fois, l'an passé, était gentille au moins*” [33].

Ю.Данилин таржимаси:

“– *Странный вкус, не правда ли? – подхватил он. – Женищина, похожая на кобылу... Белошвейка, с которой он в прошлом году два встречался, была по крайней мере хорошенькая*” [34].

М.Исмоилова таржимаси:

“– *Диди ажойиб-а? – гапида давом этди Делош. – Отга ўхшаган аёл бўлса. Жаноб Муре ўтган йили учрашиб юргани чойшаблар тикадиган аёл ҳам ундан яхшироқ эди*” [35].

Бу ўринда “*Une femme qui ressemble à un cheval*” жумласи орқали қадди-қомати унчалик ҳам келишмаган, маданиятсиз, бир сўз билан айтганда, тўпори ва қўпол аёл назарда тутилади. Демак, француз халқи бундай аёлларга қарата “*отга ўхшаган аёл*” **компаратив** фразеологизмини ишлатади. Бироқ ўзбек тилида инсон ташқи қиёфаси ёки ички дунёсини тасвирлашда ёки ўхшатишда бундай ибора ишлатилмайди. Ўзбек таржимони М.Исмоилова эса ушбу ўхшатиш эквивалентини қидирмасдан сўзма-сўз таржима қилиб қўя қолган.

Таъкидлаш жоизки, таржимон “*un drôle de goût*” иборасини “*ажойиб дид*”га айлантириб қўйган. Маълумки, “*un drôle de goût*” бирикмаси ўзбек тилида “ғалати, ноўхшов, ғайриоддий” каби маъноларда қўлланилади.

“– *Дидини қаранг-а? – таъкидлади Делош. – Бесўнақай(тўпори) аёл бўлса. Жаноб Муре ўтган йили учрашиб юрган чойшаблар тикадиган аёл ҳам ундан яхшироқ эди*” (**Таржима муаллифники – Р. Ш**).

Демак, таржимонни матнда ибораларнинг ноўрин ёки бўлмаса таржима тилида муқобили бўла туриб, сўзма-сўз таржима қилиши ҳам когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқаришига сабаб бўлган.

Навбатдаги вазифа диссонанснинг олдини олиш ёки камайтириш учун икки ва кўп тилли маданий сўзлар луғатларини яратиш масаласидир. Ҳар бир тилда бундай луғатларнинг мавжудлиги таржимон меҳнатини енгиллаштиради, шунингдек, бу луғат таржимада когнитив диссонанс ҳолатини камайтириш ёки



олдини олишга хизмат қилади. Бундай луғатлар ва унинг тадқиқиға бағишланган тадқиқотлар ҳамда таржима луғатларини яратишнинг замонавий усуллари ҳақида тўртинчи фаслда батафсил тўхталиб ўтамыз.

Бадиий таржимада когнитив диссонанснинг турларини аниқлаш ва уларни камайтириш ҳамда бартараф этиш йўлларини излаш нафақат таржима танқидчилигини ривожлантиради балки, келгусида амалга ошириладиган бадиий таржималар савиясининг яхшиланишига ҳам хизмат қилади.

Юқоридаги матнлар таржимасидан кўриниб турибдики, таржимада миллийликнинг бошқа халқларнинг миллий кадриятлари билан қоришиб кетиши унинг адекватлигига тўсқинлик қилган. Таржимадан мақсад тилни билмаган китобхонларнинг ўқишга муяссар бўлмаган орзуларининг ушалишига имкон яратиб беришдир. Улар таржима асарлари орқали бошқа халқнинг адабиёти, маданияти ва тарихидан хабардор бўлади. Таржимон ҳар доим аслиятга эҳтиёткорлик билан ёндашиши, ундаги исмлар, жой номлари, миллий кийим-кечакларнинг номларига, умуман, ҳар бир жумла, ҳар бир вазиятга жиддий эътибор қаратиши керак. Таржимада сўзларнинг нотўғри ёки ўринсиз ишлатилиши асарнинг адабий-эстетик қимматига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, таржимоннинг фон билимлардан хабардор бўлмаслиги натижасида таржималарнинг сифати бузилади, таржима асарлари ўз китобхонини йўқотади, китобхон нотўғри маданий ахборотларга дуч келади. Бу муаммоларнинг ягона ечими таржимондан тўхтовсиз ҳаракат, кенг қамровли билим, аниқроқ қилиб айтганда, фон билимларга эга бўлиш, тинимсиз изланиш олиб бориш талаб этилади. Демак, бадиий таржима аслият оламининг миллий манзарасини таржима тилида ифода қилаётган таржимондан лисоний ва нолисоний билимларни чуқур эгаллашни тақозо этади.

Тадқиқот натижасида когнитив диссонансни камайтириш ва бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш жараёнида Г.Д.Воскобойникнинг лингвофалсафий аспектда олиб борилган тадқиқотида илгари сурилган фикри, яъни таржимон аслиятдаги матн билан танишиш жараёнида адибнинг асар матнида берган имплицит ахборотларини ўгиришда, яъни фикрига таяндик.

А.М.Каплуненконинг шеърини таржимада когнитив диссонансни камайтириш ёки бартараф этиш борасида бир қанча илмий фикрларини ёқладик. Ҳамда унинг Шекспир сонетларини инглиз тилидан рус тилига таржима қилишда таклиф қилган қуйидаги усулларини маъқул топдик. Яъни:

1) шеърнинг структураси, яъни шакл ва мазмунни тўлиқ сақлаш;

2) кириш сўзлар, ибораларни иложи борица ўз ҳолича сақлаш;

3) тиниш белгиларига эътибор бериш;

4) муаллиф ритмини ҳис этиш ва аслият ритм оҳангини сақлаш каби қоидалари асосли эканлигини ўз тадқиқотимиз жараёнида олиб борилган таҳлилларда ҳам кузатдик. Ҳақиқатдан ҳам таржимада юқорида берилган амалий тавсияларга риоя этилса таржимада маълум даражада диссонанс ҳолати бартараф этилади ва консонансга эришилади деган фикрдамыз.

René Lemieux машина орқали амалга оширилган таржималарда асосий ўринда сўз, таржимон учун эса маъно туришини асослаб берди ва аксарият ҳолларда машина орқали амалга оширилган таржималарда когнитив диссонанс ҳолати келиб чиқишини “Google translate” дастури орқали амалга оширилган таржималар мисолида асослаб берди. Кейинги йилларда машина орқали амалга оширилган таржималарда когнитив диссонанс содир бўлиши, адекват таржимага эса таржимоннинг экстралингвистик билимлари юқори даражада бўлгандагина эришилиши тадқиқотдаги аксарият мисоллар таҳлилида далиллаб берилди.



В.Гумбольдтнинг таржимада энг аввало таржима тили вакилининг турмуш тарзи, урф-одати, маданиятига хос хусусиятларни, тил бирликларининг таркибий қисмларини ўрганиш лозим, шундан кейингина ҳис-туйғуларига таяниб образ яратиш, сўнг жоиз бўлса уни сўзлар билан ифода этиш мумкин. Тил ўзининг бошланғич шаклиданоқ маълум халққа хос бўлган белги ва характерлар таъсирига тушади.

Тадқиқот олиб бориш натижасида бир қанча назарий ва амалий хулосаларга келинди. Авваломбор, бадий асарлар таржимасида когнитив диссонанснинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этишнинг айрим йўллари таклиф қилишдан олдин конитив диссонанс феномени назарий жиҳатдан атрофлича ўрганилди. “Когнитив диссонанс” феноменига дастлаб француз олими Эвер Конти 1380 йилда Аристотель ишлари билан танишиш ва таржима қилиш жараёнида дуч келган ва уни илк бор мусиқа соҳасига олиб кирган. Мусиқа соҳасида “когнитив диссонанс” товушлар тизимидаги номувофиқлик, оҳангсизлик, номусикавийлик деган маъноларни англатган. Мусиқа тинглаш пайтида сўзларнинг ғализ, тушунарсиз эшитилиши, куйланиши ва куйнинг номусикавийлиги мусиқа ихлосмандларида мусикадан қоникмаслик, яъни когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқарганлиги кўрсатиб берилди. Олимлар “номутаносиблик”ни “диссонанс”, “мутаносиблик”ни эса “консонанс” деб атаб когнитив диссонанс назариясининг асосини “билим тизимидаги номутаносиблик, номуқобиллик ташкил этади” деган хулосага келганлар.

Шунингдек, когнитив диссонанс назарияси тилшунослик, адабиётшунослик, рухшунослик, иқтисодиёт, маркетинг, математика, биология каби соҳаларнинг ҳам тадқиқот объекти бўлганлиги илмий тадқиқотларни ўрганиш жараёнида аниқланди. Рус ва француз таржимашунос олимлари ўз

тадқиқотларида когнитив диссонанс феноменининг у ёки бу жиҳатини кўриб чиққанлар, диссонанснинг пайдо бўлиш ҳолатлари, уни таржима жараёнида камайтириш ва бартараф қилишнинг айрим усуллари юзасидан тавсиялар ишлаб чиққанлар.

Тадқиқотда бадий асарлар ва уларнинг таржималарини таҳлил қилиш жараёнида когнитив диссонанс ҳолатининг пайдо бўлиш сабаблари аниқланди ва улар гуруҳларга ажратилди. Таржимада ғализ мақоллар, фразеологик ибораларнинг нотўғри берилиши, реалияларни қориштириб юборилиши, билвосита таржиманинг аслиймонанд таржимага тўсқинлик қилиш омиллари диссонанс ҳодисасини пайдо қилиши мисоллар ёрдамида асослаб берилди. Таржимада когнитив диссонансни камайтириш ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилди. Унга асосан таржимоннинг асар ва муаллифни тўғри танлаши, таржимада янги когнитив элементларни қўшишдан сақланиш йўллари, имплицит ахборотни эксплицит ахборотга айлантириш, таржимада фразеологик бирликларни ўринли бериш йўллари ва миллий-маданий лексика бўйича икки тилли луғатлар яратиш каби бир қатор ечимлар таклиф этилди.

Бадий таржимада когнитив диссонансни бартараф этишда таржимонларнинг фон билимлари муҳим ўрин эгаллаши исботланди. Таржимон нафақат таржима қилинаётган асар тилини, балки ўша халқнинг тарихи, урф-одатлари, кийим-кечаклари, озиқ-овқатлари, турмуш-тарзи, адабиёти ва санъати, географияси, флора ва фаунаси ҳақида ҳам кенг билимларга эга бўлиши зарур. Тадқиқот доирасида таҳлил қилинган мисолларда таржимоннинг нолисоний билимлардан хабардорлик даражаси пастлиги эвазига бадий асарлар таржимасида когнитив диссонанс ҳодисаси кузатилди. Танқидий мулоҳазалар берилган ўринларда айрим тавсиялар тақдим қилинди.



Адабиётлар:

1. Чудинов А.Н. Словарь иностранных слов русского языка. – Санкт Петербург, 2-изд.1894.
2. Books.ru. Даль В.И. Толковый словарь. – М., 1863.
3. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.:Издательство «Азъ», 1992.
4. Чудинов А.Н. Словарь иностранных слов, вошедших в состав русского языка. – Санкт Петербург 1910. – С.284.
5. Южакова С.Н. Большой Энциклопедический словарь. 2-е изд., – Москва, 1992.
6. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент, 2004. – Б.141.
7. Article dissonance. Le Trésor de la langue française informatisé .[Ressource internet] :CNRC
8. Jodelle E. Deux effets etrangement divers formes et fonctions de la dissonance dans Les Amours et les Contr' Amours de Etienne Jodelle. – Université Stendhal (Grenoble3), 2009. – P.8.
9. Verlaine Paul. L'art poétique. Maynial Eduard. Dir. Antologie de poètes du XIX^{ième} siècle. – Paris.: Hachette, 1930. – P.369.
10. Heider F. Social perception and phenomenal causality. – Psychological Review, 1944.
11. Festinger L.A. Theory of cognitive dissonance, – Stanford.: University Press, 1957.
12. Céline Gallen: La théorie de la dissonance cognitive: un cadre unificateur pour la recherche en marketing sur les conflits. – France. Université de Nantes, Lyon. 2014; Brehm Jack Williams., Cohen Arthur Brehm. Explorations en dissonance cognitive. – New York, Wiley. 1962. – P.69; Wicklund J., Brehm. Perspectives sur la dissonance cognitive en texte integral. – Ohio State University, 1976.
13. Воскобойник Д.Г. Лингвофилософские основания общей когнитивной теории перевода Автореф. дисс...док.филол.наук. – М., 2004.
14. Воскобойник Г.Д. Когнитивный диссонанс как проблема теории и практики перевода. Основные концептуальные положения. – Иркутск, 2002. – С.3.
15. Кимишников Я.С. Поэтический перевод в свете теории когнитивного диссонанса (на материале переводов стихотворения Р.Киплинга "If") // Наукови записки Сер.: Филология. Выпуск 37, 2013. – С.127-131.
16. René Lemieux. La traduction à l'époque de sa reproductibilité technique ou l'impossible dissonance interculturelle. Thèse de doctorat en sémiologie. – Montréal Université du Québec, 2009. – P.20.
17. Jacques Derrida. Force et signification à l'épreuve de la traduction. [http //www.bbc.co.uk](http://www.bbc.co.uk) ; Barbara Cassin. Intraduisible et mondialisation. Hermès.n^o49. 2014; Christine Vaufrey. Dans un texte, un traducteur automatique voit des mots; traducteur humain voit de sens. 2012. [http.cursus.edu.dossier-articles/dossier/71/traduire](http://cursus.edu/dossier-articles/dossier/71/traduire).
18. Eszter Gerda Miklos. Les espaces de la dissonance – la choralité et les images de collectivité dans le théâtre de Bernard-Marie Koltès. – Université de Debrecen, Faculté des Lettres. École doctorale des Études Littéraires, 2010. – P. 97.
19. Каплуненко А.М. Некоторые проблемы репродукции и поэтической интонации при переводе с английского на русский (на материале сонетов Шекспира) // Вопросы теории и практики перевода. Сб. науч. трудов. – Вып.2. – Иркутск, 1999. – С.16-21.
20. Дроздова Т.В. Явление когнитивного диссонанса в литературно-художественного произведения: на материале английского языка. Тульский ГПУ. – М., 2011. – С.34.
21. Холбекова Б. Шеърӣ таржима ҳақида мулоҳазалар // Бадиӣ таржиманинг лингвопоэтик муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2012. – Б.222.
22. Alexandre Dumas. Les deux Dianas. – Paris: Le Joyeux Roger. 2007. – P. 29.
23. Александр Дюма. Две Дианы. – Т.: Издательство Гафур Гуляма, 1991. – С.16.



24. Александр Дюма. Икки Диана. –Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.26.
25. Чўлпон. Кеча ва кундуз. –Тошкент.: Янги аср авлоди, 2011. – Б.13.
26. Abd al-Hamid Sulaymân Tchulpân. Nuit. –Paris: Bleu autur, 2011. – P.20.
27. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Тошкент : Фан нашриёти, 2005.– Б.9.
28. Les contes de Perraut. – Paris.1968. – P.16.
29. Перро Ш. Она ғоз эртаклари. –Тошкент, 2000. – Б.34.
30. Шарл Перро. Жаноб Сегеннинг эчкиси. –Т.: Юлдузча, 1989. – Б.42.
31. Le petit Larousse. –Paris, 1993. – P.124.
32. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2002. – С.170.
33. Emile Zola. Au bonheur des Dames. La Bibliothèque électronique du Québec, 2001. – P.107.
34. Эмил Золя. Дамское счастье. Бесплатная электронная библиотека Royallib.ru/.1883. – С.28.
35. Эмил Золя. Аёл бахти. –Т.: Янги аср авлоди, 2015. – Б.71.
36. Philipe Masquer, Pierre Jaubert. Dictionnaire raisonné universel des arts et métier. Tome premier. – Paris, 1971. – P.47.
37. Бархударов Л.С. *Язык и перевод* (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Международные отношения, 1975. – С.136.
38. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М., 1985. – С.373.
39. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. –Т., 1978. – Б.51.
40. Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ кўнгли. –Т., 2001. – Б.18.
41. Erkin A'zam. Adieux aux contes de fées. –Т., 2015. – P.218.
42. Traduction et mondialisation. –France, 2010. – P.128.
43. Ferdinand Duchêne. Thamil'la. –Paris: Albin Michel, 1921. – P.2.
44. Фердинанд Дюшен. Тамилла. –Тошкент: Маънавият, 1997. – Б.96.
45. Биякова С.В., Хопияйнен О.А. Через когнитивный диссонанс переводчика к тождеству перевода (на материале горной терминологии)// Вестник Кузбасского государственного технического университета. 2006.-№5. –С,158-162.

Ширинова Р. Проблема когнитивного диссонанса в переводе. В настоящей статье глубоко анализируется явление когнитивного диссонанса в процессе перевода. Автор объясняет разницу между художественным и контекстуальным переводом, исследует проблему соответствия формы и содержания, а также указывает на важную роль фоновых знаний переводчика для достижения адекватного перевода.

Shirinova R. The problem of cognitive dissonance in translation. The present article presents a deep analysis of the cognitive dissonance phenomenon in translation process. The author explains the difference between literary and contextual translation, investigates the problem of accordance of the shape and content and points at the significance of a translator's cognitive knowledge for fulfilling an adequate translation.